

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ DSc.03/10.12.2019.1.16.01. РАҶАМЛИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Кўл ёзма хукуқида:  
УДК: 336.719(334.7)**


**ЗУННУНОВА ХУЛКАР МУХТОРОВНА**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ  
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар:  
и.ф.н., доц. З.А.Холмажмадов**



<b>МУНДАРИЖА</b>		
<b>Кириш.....</b>		<b>3</b>
<b>I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>		<b>13</b>
1.1-§ Тижорат банкининг бозор қийматини баҳолаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар.....		13
1.2-§ Тижорат банкининг бозор қийматини баҳолаш усуллари ва хусусиятлари.....		37
1.3-§ Банкларнинг бозор қийматини баҳолашнинг хориж тажрибаси.....		55
I боб бўйича хулоса.....		66
<b>I I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ.....</b>		<b>68</b>
2.1-§ Банкларнинг бозор қийматини баҳолашнинг меъёрий-хуқуқий асослари.....		68
2.2-§ Тижорат банкларининг амалдаги бозор қийматини аниқлаш.		74
2.3-§ Банкларнинг бозор қийматига таъсир этувчи омиллар.....		98
II боб бўйича хулоса.....		115
<b>III ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>		<b>117</b>
3.1-§ Банкларнинг бозор қийматини баҳолаш амалиётидаги муаммолар .....		117
3.2-§ Тижорат банклари бозор қийматини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари.....		126
III боб бўйича хулоса.....		136
<b>ХУЛОСА.....</b>		<b>139</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>		<b>145</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b>		

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳонда банклараро рақобатнинг ривожланиши, давлат мулкчилигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг кучайиши, паст даражадаги фоиз ставкалари ва эркин пул оқимларининг мавжудлиги натижасида турли молия-кредит институтларини хусусийлаштириш ҳамда йирик банклар томонидан сотиб олиниши ва IT компаниялари билан қўшилиши сингари жараёнлар жадаллашди. Жумладан, «Жаҳон M&A (қўшилиш ва сотиб олиш) бозорида жами битимлар қиймати 2021 йилнинг 21 декабрь ҳолатига 5,7 трлн.АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 66%га ўсган. Жами амалга оширилган битимлар сони 59,748 мингта бўлиб, 2020 йилга нисбатан 22%га ортган»<sup>1</sup>. Бу битимларнинг 15%дан ортиғи молия-кредит соҳасига тегишли бўлиб, бу жараёнларни амалга оширишда бизнесни бозор қийматида баҳолаш бозор муносабатларининг мұхим шарти ҳисобланади.

Жаҳонда тижорат банкларининг бозор қиймати асосида банкларни хусусийлаштиришни жадаллаштириш, корпоратив бошқарув самарадорлигига баҳо бериш, банк фаолияти натижаларини баҳолаш амалиёти жадаллашмоқда. Бундан ташқари, инвесторлар - ўз инвестиция самарадорлиги, активлари қийматининг ўзгариши ва унга таъсир қилган омилларни комплекс таҳлил қилган ҳолда вазиятга баҳо бериши ҳамда тегишли ҳисботлар асосида хulosा чиқаришлари учун ташқи баҳоловчилар хизматларидан фойдаланилмоқда. Бундай амалиёт қўламининг кенгайиши ривожланган мамлакатларда инвесторлар синфининг шаклланиши ва баҳолаш фаолиятининг назарий-амалий жиҳатлари такомиллаштирилишини тақозо этаётгани сабабли миллий давлат дастурлари самарадорлигини ошириш, хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, баҳолаш фаолияти компонентларини бойитиш, тижорат банкларини бозор қийматида баҳолаш

<sup>1</sup> <https://gink.center/news/obem-mirovogo-ryntka-m-a-v-2021-godu-dostig-rekordnyh-5-7-trln/>